



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 15 сентябрь, № 191 (7149)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон — Беларусь: ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВЛАР ИЖРОСИНИ ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси юқори палатасида Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси А. Курмановнинг Беларусь Республикаси Миллий мажлиси Республика кенгаши Халқаро ишлар ва миллий хавфсизлик бўйича доимий комиссияси раиси С. Рахманов билан учрашуви бўлиб ўтди.

Томонлар охириги йилларда мамлакатларимиз ўртасида самарали ҳамкорлик анча фаоллашганини таъкидладилар. Шубҳасиз, Беларусь Республикаси Президентининг мамлакатимизга расмий ташрифи давомида юксак даражада эришилган келишувлар ҳамкорликни мазмунан ва амалий жиҳатдан янада бойитди. Тадбиркорлар ва худудлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтиришга бағишланган қўшма форум 230 миллион доллардан ортиқ миқдордаги икки томонлама шартнома ва битимлар тузиш имконини берди.

Учрашувда қайд этилганидек, парламентлараро йўлга қўйилган мустақам алоқалар ўтган даврда анча фаоллашган Ўзбекистон — Беларусь ҳамкорлигининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Томонлар икки мамлакат парламентлари юқори палатаси шафелигида худудий форум-

ларни ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Беларусь Республикаси Миллий мажлиси ўртасида мунтазам равишда худудий форумлар ўтказиш тўғрисида меморандум имзоланди.


Халқ вакиллари парламент дипломатияси ва назорати механизмлари ёрдамида икки мамлакат тадбиркорлари ва жойлардаги худудий ихро органлари раҳбарлари томонидан эришилган келишувлар самарали бўлиши ҳамда ўз вақтида ихро этилишини таъминлайди.

Учрашувда томонлар давлатлар ўртасидаги серкирлар ҳамкорлигини янада чуқурлаштиришга қаратилган тадбирларни биргаликда давом эттиришга келишиб олди.

Мунисхон КАРИМОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ҚАДРДОН ҚЎШИҚЛАР»

Якуб Коласнинг лирик тўплами
(«Родные напевы») ўзбек тилида
чоп этилди.



Адабиёт ва маданият, санъат вакиллари халқларни халқларга, дилларни дилларга боғловчи кўприқдир. Ўзбекистон ва Беларусь алоқалари янги босқичга кўтарилаётган аини кунларда мазкур кўприқ янада муҳим аҳамият касб этмоқда.



«ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТДА ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИНИ САМИМИЯТ ВА РОСТГЎЙЛИК АСОСИДА МУСТАҲКАМЛАМОҚДА»

Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг юртимизга амалга оширган расмий ташрифи ахборот маконида асосий мавзулардан бирига айланди. Бу Ўзбекистон — Беларусь муносабатларидаги янги босқич оммавий ахборот воситаларида катта қизиқиш уйғотганидан далолат беради.

ДУНЁ НИГОҲИ



Шу ҳафтада Беларусь Республикасининг деярли юз йиллик тарихга эга энг йирик ахборот манбаи — Беларусь телеграф агентлиги («БЕЛТА»)нинг янгиликлар майдони тўлиқ А. Лукашенконинг Тошкентга ташрифида бағишланди. Биргина 11-12 сентябрь кунларининг ўзида «БЕЛТА» сайтида муҳим воқеага тайёргарлик жараёни, унинг икки томонлама муносабатлар тарихидаги аҳамияти, Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти, мамлакатимизнинг савдо-иқтисодий салоҳияти, юртимиз иқтисодиётига сармоя киритиш имкониятлари ҳақида ҳикоя қилувчи қирққа яқин мақола, репортаж, янгиликлар ва интервьюлар жойлаштирилди. Хусусан, материаллардан бири-

да деярли икки йил мобайнида тайёргарлик қўрилган ушбу ташриф Минск учун нисбатан муҳим аҳамият касб этиши таъкидланади. 4 сентябрда Президент Александр Лукашенко мамлакат ташқи ишлар мулоқотда олий даражадаги учрашувнинг барча жиҳатини тўла ишлаб чиқишни топишгани эслатиб ўтилади.

«Александр Лукашенкони трап олдида Ўзбекистон ҳукумати аъзоларидан иборат делегация кутиб олди. Бу олий меҳмонга нисбатан иззат ва ҳурмат белгисидир. Президент ҳаракатланган йўл бўйлаб икки давлат байроқлари ва Беларусь етакчисига мурожаатлар ўрнатилган. Ушбу ташрифнинг муҳим аҳамиятини ифодаловчи бундай билбордларни бутун Тошкент бўйлаб қўриш

мумкин», дея ўз таассуротлари билан ўртоқлашади «UDF» янгиликлар агентлиги.



Беларусининг «ОНТ» телеканалда «Беларусь — Ўзбекистон: ҳамкорликнинг янги қирралари» номили кўрсатувда Тошкентда бўлиб ўтган музокаралар узоқ кутилгани эътироф этилди.

«Беларусь ва Ўзбекистон 25 йил олдин дипломатия муносабатлари ўрнатганига ҳамда кўп жиҳатдан (иқтисодий тараққиёт, ижтимоий сиёсат) ўқшашлигига қарамай, деярли чорак аср мобайнида ҳақиқий амалий ҳамкорлик шаклланмаган эди. Ўзбекистонда ҳокимиятга Шавкат Мирзиёев бошчилигидаги янги жамоа келганидан сўнг барчаси ўзгарди.



САВДО-ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

АҚШ Давлат котиби ёрдамчисининг иқтисод ва бизнес масалалари бўйича биринчи ўринбосари Брайан Макфитерс бошчилигидаги делегация мамлакатимизда бўлиб, икки томонлама ҳамкорлик истиқболларига доир музокаралар ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазирининг Жамшид Қўчқоров билан учрашув чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ўзаро муносабатларда ижобий ўсиш кузатилаётгани алоҳида қайд этилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 15 — 17 май кунлари АҚШга расмий ташрифи ўзаро ҳамкорлик ривожига кучли туртки берди. Ташриф доирасида мамлакатларимиз ўртасида қиймати 4,8 миллиард долларга тенг 20 дан ортиқ шартномалар имзолангани бунинг тасдиғидир.

Мулоқот чоғида меҳмонларга мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги, энер-

гетика тармоқларини ислоҳ этиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақида маълумот берилди.

— Биз мамлакатларимиз ўртасида бошланган ҳамкорликнинг янги даврини юксак қадрлаймиз, — деди Брайан Макфитерс. — Очиғини айтганда, Ўзбекистон молия-иқтисод соҳасида амалга ошираётган салмоқли ишлари билан барчани лол қолдирмоқда. Жумладан, биз солиқ тизими ва хусусий сектордаги имтиёзлар жараёни, инвестиция соҳаларида яратилаётган улкан им-

кониятларни катта қизиқиш билан қўзғатмоқдамиз.

Ўзбекистон АҚШга муҳим савдо шерикларидан бири сифатида қарайди. Ушбу мамлакат корхоналари билан савдо, сармоя ва юқори технологиялар соҳаларида ўзаро манфаатли алоқалар кенгайиб бормоқда. «General Motors», «General Electric», «John Deere», «Boeing», «Honeywell», «ExxonMobil», «Coca-Cola» компаниялари билан ҳамкорлик бунга мисолдир.

Учрашувда томонлар мамлакатларимиз ўртасидаги конструктив мулоқотни давом эттиришга қаратилган интилишни фоят қадрлашини алоҳида таъкидладилар. Савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларида икки томонлама ҳамкорликка доир масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашилди.



Мамлакатимиз ташқи савдо айланмаси

20

миллиард
АҚШ долларидан
ошди



2018 йилнинг ЯНВАРЬ — АВГУСТ ОЙЛАРИ ақунларига кўра, Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 20,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 18,5 фоиз ўсишга эришилди.

Давлат статистика қўмитасидан маълум қилишларича, жумладан, экспорт ҳажми 8,6 миллиард долларга, импорт миқдори 12 миллиард долларга етди.

Тахлилларга қараганда, шу йилнинг саккиз ойида Ҳамдўстлик давлатларининг улуши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 5,6 фоиз ошиб, 38,8 фоизни ташкил этди. Бу юртимизда ташқи савдонини қўллаб-қувватлаш, айниқса, МДХ мамлакатлари билан ушбу йўналишдаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган амалий чора-тадбирлар натижасидир.

Республика ташқи савдо айланмасида юқори улушга эга давлатлар

Давлат номи	Ташқи савдо айланмаси	Экспорт	Импорт	Ташқи савдо айланмаси	
				улуши, %	ўзгариш сурати, %
Хитой	3 930,5	1 737,4	2 193,1	19,1	125,3 ↑
Россия	3 771,3	1 389,9	2 381,3	18,3	124,4 ↑
Қозоғистон	1 945,8	966,1	979,7	9,4	148,4 ↑
Туркия	1 358,0	562,0	796,0	6,6	140,6 ↑
Корея Республикаси	1 069,5	60,6	1 009,0	5,2	127,1 ↑
Германия	458,2	28,1	430,0	2,2	107,5 ↑
Афғонистон	428,8	427,5	1,3	2,1	111,3 ↑
Латвия	315,5	28,5	287,0	1,5	172,2 ↑
АҚШ	296,8	19,9	276,8	1,4	183,7 ↑
Украина	291,2	64,5	226,8	1,4	167,5 ↑
Беларусь	253,5	24,7	228,8	1,2	3,1 ↓
Қирғизистон	249,0	162,9	86,0	1,2	143,4 ↑
Тожикистон	243,0	143,1	99,9	1,2	152,3 ↑
Япония	219,0	8,9	210,0	1,1	2,1 ↓
Эрон	204,8	127,5	77,4	1,0	108,5 ↑
Франция	195,1	117,3	77,8	0,9	118,8 ↑
Ҳиндистон	183,5	16,9	166,7	0,9	80,4 ↓
Литва	179,3	6,9	172,4	0,9	100,7 ↑
Италия	177,1	15,7	161,5	0,9	151,6 ↑
Туркменистон	140,8	27,5	113,3	0,7	112,0 ↑

ЮРТИМИЗДА ЯНГИ МОДЕЛДАГИ ТЕХНИКАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ



Кўргазма

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспонар-каз» мажмуасида ташкил этилган «Беларусда ишлаб чиқарилган»

номли кўргазма ҳам бу борадаги алоқаларга янгича мазмун бағишлаш, шубҳасиз. Жумладан, унда ушбу мамлакатнинг 150 дан ортиқ корхоналари ўз маҳсулот ва хизматлари билан қатнашиб, қишлоқ

хўжалиги машинасозлиги, металлургия, кимё саноати, маиший техника, озик-овқат, тўқимачилик, тиббиёт, таълим каби соҳаларга оид маҳсулотларини намойиш этишди. Шунингдек, хизматларини тақдим

қилишди. Улар орасида «БелАЗ», «Белшина», «МАЗ», «Неман», «Атлант» каби йирик ишлаб чиқариш субъектлари борлиги диққатга сазовор.



Санъат

ТАБИАТ ҚЎЙНИДАГИ ФАЙЗЛИ КОНЦЕРТ

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида симфоник концерт — OPEN AIR мусикий дастури бўлиб ўтди.

Очиқ осмон остида ташкил этилган мазкур концертга мусиқа ихлосмандлари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат, ижодий ташкилотларнинг вакиллари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг мутасаддилари таклиф этилди.

Мамлакатимизда халқимизни мусиқа санъатининг энг нодир намуналаридан баҳраманд этиш, ёш авлоднинг мусикий диди ва савиясини тўғри шакллантиришга долзарб масала сифатида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 3 август куни мамлакатимиз ижодкор зиялилари билан ўтказган мулоқотида ҳам аини жиҳатлар устувор масала сифатида муҳокама этилган эди.



Ўзбекистон — Беларусь: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

«ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТДА ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИНИ САМИМИЯТ ВА РОСТГЎЙЛИК АСОСИДА МУСТАҲКАМЛАМОҚДА»



Алоқалар суръати кескин юксалди. Жорий йил эса Минск ва Тошкент учун нихоятда жаддал кечмоқда. Зеро, нафақат алоқаларни мустаҳкамлаш, балки келажак учун пойдевор қўйиш ҳам керакдир», дейди шарҳловчилар.

Республикамининг замонавий тараққиёти ҳақида сўз кетганда, «ОНТ» телеканалида қуйидаги фикрлар билдирилади:

«Тошкент деганда, кўплаб белоруслар кўз олдида серкўёш манзил, қалби қайноқ инсонлар гавдаланади. Ўзбекистон пойтахтида минскиликлар умуман қутилмаган иссиқ ҳавога дуч келишди. Цельсий бўйича +35 даража энг муҳим омил эмас. Асосийси — инсонлар. Аҳоли сони бўйича МДХда туртинчи ўринда турувчи Тошкентда икки ярим миллиондан ортиқ одамлари яшайди. Пойтахт юздан ортиқ миллат вакиллари ўз бағрига олган. Ўзбекистон фақат самимият ва ростгўйлик асосида дўстлик алоқаларини олиб боради. Мамлакат раҳбарияти халқроқ майдонда ҳам шундай сиёсатни амалга ошираётир».

«Российская газета» нашрида хабар берилганидек, Александр Лукашенко Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан учрашув чоғида Ҳамдўстлик мамлакатлари миллий иқтисодиётлари тараққиёти ва давлатлараро алоқаларнинг жадаллашувидан мамнунлигини билдирди. Олий мартабали меҳмон Ўзбекистон раҳбариятига мамлакатда истиқомат қилаётган 19 мингга яқин белорусларга кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрлик учун миннатдорлик изҳор қилди.



НЕЗАВИСИМАЯ

«Независимая газета»да эса Ўзбекистон — Беларусь муносабатларида янги давр бошлангани маълум қилинади.

«Музокаралар аънавий ҳужжатларни имзолаш билан чекланмади. Шавкат Мирзиёев билан

уч соатлик мулоқотнинг асосий натижаси сифатида Александр Лукашенко ҳар икки мамлакат ҳудудида қўшма ишлаб чиқаришларни ривожлантириш ҳақидаги келишувларни айтиб ўтди. «Агар ўзбекистонлик биродарларимиз Беларусда бирон-бир керак нарсани кўришса, дарҳол уни ишлаб чиқаришни сизнинг ҳудудингизга кўчирамиз ёки қўшма корхона ташкил этамиз», дея нашрда Беларусь Президентининг сўзлари келтирилади.

Беларусь Республикаси Миллий мажлиси Республика кенгашининг Халқаро алоқалар ва миллий хавфсизлик бўйича доимий комиссияси раиси Сергей Рахманов Ўзбекистон билан ўрнатилган муносабатлар нихоятда муҳим аҳамият касб этишини ва улар катта истисқолга эга эканлигини таъкидлади.

Унинг сўзларига қараганда, Тошкентда бўлиб ўтган қўшма бизнес форуми ҳар икки давлат ҳамкорликини мустаҳкамлашдан бирдек манфаатдорлигининг ёрқин белгиси бўлди.

«Яқин-қингача алоқаларимиз унчалик фаол эмас эди. Аммо бугун ҳар томонлама ўсиш кузатиляпти. Энг муҳими, Ўзбекистон ва Беларусь ўртасида ишонч шароитда ишончли шерикларга эга бўлиш нихоятда муҳимдир. Бу орқали барча ўзгаришларга тайёр туришимиз, икки томонлама муносабатларимиздан халқаро майдонда ҳам фойдаланишимиз мумкин», дейди С. Рахманов.

Анвар МИРЗАЕВ,
(«Халқ сўзи») тайёрлади.



Шуниси ҳам эътиборлики, Беларусь ташқи ишлар вазир Владимир Макей икки мамлакат Президентлари музокаралари якуни бўйича тез орада ҳамкорлиқнинг «йўл харитаси» ишлаб чиқирилиши таъкидлади:

«Тор ва кенг доирадаги музокараларда ҳукм сурган муҳит давлатлар раҳбарлари томонидан белгилаб берилган вазифалар, албатта, бажарилишдан далолат беради. Тез орада яқин ва ўрта муддатдаги ҳамкорлик бўйича «йўл харитаси» ишлаб чиқилиб, унда муайян лойиҳалар, масъулар ва молиялаштириш манбалари кўрсатиб ўтилади».

В. Макейнинг фикрича, «Ўзбекистон Беларусь билан кўп қиррали ҳамкорлиқни кенгайтиришга тайёр. Беларусь етакчиси Беларусь ва Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш бўйича топшириқ берди».



бор. Тез ўзгарувчан муҳимдир. Бу орқали барча ўзгаришларга тайёр туришимиз, икки томонлама муносабатларимиздан халқаро майдонда ҳам фойдаланишимиз мумкин», дейди С. Рахманов.

«ҚАДРДОН ҚЎШИҚЛАР»



Дунёга машҳур белорус шоири Якуб Коласнинг лирик шеърлар тўплами она тилимизда чоп этилиши икки давлат халқларининг адабий-маданий алоқалари, синовларда тобланган дўстлигининг яна бир исботи бўлди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенкога «Қадрдон қўшиқлар» номли китобни тантанали равишда топширди. Иккинчи жаҳон уруши

даврида юртимизда яшаб ижод қилган белорус адабиётининг ёрқин юлдузи қаламига мансуб манзумалар таниқли ўзбек шоирлари ва ёш ижодкорлар томонидан мохирона ўғирилган.

Айтиш жоизки, китобнинг чоп этилиши, Якуб Колас ҳайкали ўрнатилиши ҳамда Тошкент кўчаларидан бирига унинг номи берилиши кенг жамоатчилик ва Беларусь диаспораси вакиллари томонидан катта қувонч билан кутиб олинди.

З. ХУДОЙШУКУРОВ.

ЮРТИМИЗДА ЯНГИ МОДЕЛДАГИ ТЕХНИКАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ



Беларусь компаниялари Ўзбекистон билан алоқа-он мустаҳкам иқтисодий алоқалар ўрнатган. «Амкодор» машинасозлик холдинги шулардан бири-дир. Йўл-қурилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги техника-лари ишлаб чиқаришга их-тисослаштирилган мазкур корхонада йилига беш мингдан ортиқ махсус те-хникалар йиғилиб, дунёнинг кўплаб давлатлари, шу жумладан, юртимизга ҳам етказиб берилади.

Тоғ-кон, агросаноат, коммунал ва бошқа соҳа-ларда бундай юқори унум-ли махсус техникаларга ор-ти бораётган эҳтиёж масъулияти чекланган жа-мият шаклидаги «Амкодор-Тoshkent» хорижий корхо-наси ташкил этилишига катта туртки бўлди.

— 2012 йилдан буён махсус техника ва ускуна-лар, улар учун эҳтиёт қис-м-

лар етказиб беряпмиз, — дейди мазкур корхона ра-ҳбари Олег Синько. — Шу-нингдек, мутахассислари-миз томонидан машина ва ускуналарни таъмирлаш, сервис хизматлари кўрсати-ш ҳам йўлга қўйилган. Кейинги пайтда махсус техникалардан экскаватор, юклагичга эҳтиёж янада кучайди. Натижада махсус техникаларимиз кириб бормаган ҳудуд деярли қолмади. Фермер хўжа-ликлари, қурилиш ва обо-донлаштириш ташкилотла-ри, тоғ-кон саноати кор-хоналарида улардан унум-ли фойдаланилмоқда. Ҳамкорларимизга қулай-лик яратиш мақсадида сервис хизмати кўрсатиш тармоқларини кўпайтириш пайидан бўляпмиз. Айни вақтда Бухоро, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида бундай шохобчалар фа-олияти йўлга қўйилган бўлса, ҳадемай Фарғона водийси ҳамда Қашқадарё

вилояти ҳам қамраб оли-нади.

Икки давлат раҳбари иш-тирокида расмий очилиши бўлиб ўтган «Амкодор-Аgrotexmash» Ўзбекистон — Беларусь қўшма корхонаси-да янги моделдаги техни-калар тайёрлашни ўзлашти-риш мўлжалланмоқда.

Умумий қиймати 33 мил-лион доллардан иборат маз-кур лойиҳа доирасида 12 турдаги экскаваторлар ишлаб чиқарилади. Бу ерда келгусида маҳаллийлашти-риш жараёнига ҳам алоҳида эътибор қаратилиши имко-ниятларни янада оширади. Буларнинг барчаси Ўзе-бекистон ва Беларусь Респу-бликаси ўртасидаги дўстона алоқалар ўзаро ишонч асо-сида жаддал ривожланиши-да айни муддаодир.

Дилшод УЛУГМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ
олган суратлар.

Депутат фикри

Амалий саъй-ҳаракатларга киришилади

Бугунги кунда мамлакатимизнинг Ҳаракатлар стратегияси асосида изчил амалга оширилаётган тинчликсевар ташқи сиёсатини жаҳон ҳамжамияти кенг эътироф этмоқда. Боиси тараққиётнинг янги босқичида хорижий давлатлар билан очик, дўстона ва фаол муносабат олиб боришга катта эътибор қаратилляпти.

Буни Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенковнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи ва унда эришилган натижалар ҳам яққол тасдиқлайди.

Мустақил Давлатлар Ҳам-дўстлигида муҳим ўринларга эга бўлган икки давлат — Ўзе-бекистон ва Беларусь муносабат-лари аввалдан дўстлик ҳамда ўзаро ишончли шериклик асо-сида изчил ривожланиб, икки ва кўп томонлама асосда мус-таҳкам ҳамкорлик алоқалари давом этиб келаётган эди.

Президент Александр Лукашенковнинг юртимизга расмий ташрифи мамлакатла-римиз ўртасидаги шериклик ва ҳамкорликка асосланган муно-сабатларимиз ривожига муҳим сиёсий қадам бўлди.

Таъкидлаш жоизки, Бела-русь Республикаси етакчиси Президентимиз билан бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон-да амалга оширилаётган ис-лохотларга, мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатидаги кенг миқёсли ўзгаришларга юксак баҳо берди.

Музокараларда савдо, са-ноат, қишлоқ хўжалиги, транс-порт, илм-фан ва бошқа соҳа-лардаги ҳамкорлиқни ривож-лантириш масалаларининг кенг муҳокама қилингани икки мамлакат вазирлик ва идора-лари, ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун янги им-кониятларни очиб берди.

Ўзбекистонда Беларусьнинг етакчи компаниялари ишти-рокида қўшма инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш, энг аввало, янги турдаги ма-ҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, машинасоз-лик, фармацевтика, энгил ва озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги, туризм соҳасидаги ҳамкорлиқни жадаллаштириш масалаларининг атрофича муҳокама қилингани ташриф-нинг амалий аҳамиятини яна-да оширди.

Ўзбекистон — Беларусь ҳамкорлигининг ҳуқуқий асос-ларини янада мустаҳкамлаш

мақсадида мамлакатларимиз ҳукуматлари, вазирлик ва идо-ралар ўртасида иқтисодиёт, савдо-саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, олий таълим, маданият ва бошқа соҳаларга доир 19 та ҳужжатнинг имзолангани ўзаро манфаатли ҳамкорлигимизни янада кенгайтириш имконини берди. Ушбу ҳужжатлар ора-сида 2019 — 2023 йилларда ижтимоий-иқтисодий ҳамкор-лик тўғрисидаги ҳукуматлара-ро шартнома ва уни амалга ошириш дастури алоҳида аҳамият касб этади.

Беларусь Республикаси Президентининг мамлакатим-изга расмий ташрифи дои-расида ташкил этилган Ўзе-бекистон — Беларусь ишбилар-монлари ва ҳудудлараро ҳам-корлик форумида ўтказилган мулоқотлар ҳамда эришилган келишувлар икки давлат ўрта-сидаги ҳамкорлиқнинг амалий натижаси бўлди.

Энг муҳими, Ўзбекистон ва Беларусь халқларининг дўстлиги ҳамда мақсад ва ин-тилишларининг яқинлиги ўзаро манфаатли муносабатларни янада ривожлантириш, мамла-катларимизнинг халқаро май-донда бир-бирини қўллаб-қув-ватлашига мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенковнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи доирасида ўтказилган амалий мулоқотлар ва имзоланган битимлар мам-лакатларимиз ўртасидаги ўзаро дўстлик, мустаҳкам ҳамкорликка асосланган муно-сабатларимизни сифат жиҳа-тидан янги босқичга кўтариб, иқтисодиётимиз барқарор ри-вожланиши ҳамда халқлари-мизнинг фаровонлигини яна-да юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ойбек ЖУМАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунийлик
палатаси депутати,
Халқаро ишлар ва
парламентлараро
алоқалар қўмитаси аъзоси.

Беларусь жамоатчилиги:

«ҲАМЖИҲАТЛИКДА ЮКСАК МАРРАЛАРНИ ЭГАЛЛАЙМИЗ»

Александр Лукашенковнинг Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташрифи, ундаги музокаралар жараёни Беларусда кенг муҳокама қилинмоқда. Худди юртимизда бўлгани каби, «мовийкўз» диёрда ҳам (кўплаб кўллар ва дарёлари борлиги учун Беларусни шундай деб ҳам аташади) икки давлат муносабатларидаги янги ўзгаришлар кўтаринчилиқ, қувонч ва илиқлик билан кутиб олинди.

Эътироф

Александр КАРЛЮКЕВИЧ,
Беларусь Республикаси ахборот вазир:

— Беларусь — Ўзбекистон алоқалари-даги олдинга силжиш, мулоқот майдони-нинг кенгаётгани ҳақида Александр Григорьевич Лукашенко бир неча бор таъкидлади. Шундай мазмундаги баёнот-ларни Ўзбекистон томонидан ҳам эшит-моқдамиз. Биз умумий тарихга эгамиз, орадаги масофа, миллий менталитетлар-даги тафовутларга қарамай, кўплаб муш-тарак аъналаримиз бор. Собиқ Итти-фок даврида биргаликда катта йўлни бо-сиб ўтдик. Иккинчи жаҳон урушининг су-ронли йилларида ўзбекистонликлар ёни-мизда елкама-елка туриб, мадад берди. Улардан кўпчилиги Беларусь ҳудудида жангларда қатнашиб, ҳалок бўлди. Та-ниқли ўзбек шоири Султон Жўра биз-нинг Ватанимиз озодлиги учун курашлар-

да жон бериб, Гомель вилоя-тининг Лоевск р а й о н и д а дафн этилган. Биз Ўзбеки-стонда ашаган, ишлаган қан-чадан-қанча белорусларнинг шонли тақ-дири ҳақида ҳам биламиз.

Тошкентда Якуб Коласга ёдгорлик очи-лаётганини эшитиб, албатта, кўнглимиз қувончга тўлди. Ўз асарларида Якуб Колас бағрикенг ўзбек халқининг бело-русларга кўрсатган меҳр-муҳаббатини баралла улуглаган. Бу шунчаки бадий ижод эмас, балки буюк дўстлик тарихи сатрлариدير.



Виктор ХАРЬКОВ,
«Беларусь» журнали бош муҳаррири:

— Бугун Беларусь ва Ўзбекистон му-носабатлари тарихида янги саҳифа очил-ди. Бизни ўтмишда ҳам кўплаб ришта-лар боғлаб туради. Ҳозирги замонавий



ди, деб ўйлайман. Аҳолимиз ташриф яку-нидан катта натижалар кутмоқда. Фик-

муҳитда эса давлатлари-миз ўзаро ҳамкорлиқни янада фаол-лаштириши лозим, албат-та. Беларусь Президенти-нинг Ўзбеки-стонга сафари бу борада му-ҳим ўрин тутა-

римча, сизнинг юртингизда ҳам улкан ре-жалар қилинмоқда. Шубҳасиз, мамлакат етакчиларининг мақсади — ҳар икки то-мон манфаатларини рўёбга чиқариш. Ҳозир иқтисодий, ижтимоий, туризм со-ҳаларида муносабатларни янги босқичга кўтариш учун ҳар қаногидан ҳам яхши-роқ имконият юзага келган. Ўрнатилган алоқаларга таянган ҳолда, биз бир-би-римизни янада яқинроқ танишга интили-шимиз керак, Ўзбекистоннинг мадания-ти билан танишишимиз лозим. Ўзбекис-тонликларнинг эътиборини тортадиган жиҳатлар Беларусда ҳам етарлича. Ах-борот алмашинувлари жадаллик касб этса, ҳозирги Ўзбекистоннинг ривожла-ниш жараёни ҳақида кўпроқ билиш им-конияти пайдо бўлади.

Ольга САМУСЕВИЧ,
Беларусь давлат университети
журналистика факультети декани:

— Президентимиз Александр Лукашенко мамлакатингизда меҳмон бўлгани биз учун катта воқеа. Халқларимиз ўзаро яқин, бизни муштарак маданий қадриятлар, қарашлар ва нуқ-таи назарлар бирлаштиради. Икки давлат алоқаларини ри-вожлантириш учун кўплаб йўналишлар мавжуд. Масалан, биз журналистлар тайёрлаш борасида ҳамкорлик қилишимиз мум-кин. Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан Журна-листика ва оммавий коммуникациялар университети очилга-нидан хабар топдик. Бу ОАВ учун кадрлар тайёрлашга нақа-дар катта аҳамият берилаётганини кўрсатади. Умид қила-мизки, яқин орада биргаликда анжуманлар, семинарлар, тадбирлар ташкил қилиб, таълимни ривожлантиришда бир-биримизга кўмаклашамиз.

Михаил МИЦКЕВИЧ,
Якуб Коласнинг ўғли:

— 1943 йилда Тошкентдаги 47-мак-табни аъло баҳоларга тамомлаб, Во-ронез авиация институтига ўқишга кир-дим. Албатта, қалбимда ўша йил-лардан жуда ёқимли хотира-лар қолган. Отам туфайли оиламизда ижо-дий муҳит ҳукм суради. Уйи-мизда доим ёзувчилар йиғи-лишар, очик майдонларда,



госпиталларда кўплаб чиқишлар қили-шарди. Колас Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасига мунтазам бориб турарди, у ерда ҳам ўзбек, ҳам рус ёзувчилари

Мария МИЦКЕВИЧ,
Якуб Коласнинг набираси:

— Тошкентда бобомнинг ҳайкали очилганини телевизорда кўриб, бошим кўкка етди. Бу воқеа қалбларимизни фахр-ифтихорга тўлдирди.



билан учрашувлар ўтказиларди. Уюшма раиси адабларни уйига қа-қириб, палов билан меҳмон қилар-ди. Жуда яхши даврлар эди. Ўлмас шеърлар ўша пайтларда тугилган. Отам уйда кўп ишлар, ўз ижод на-муналарини «Шарқ юлдузи»да эълон қилар эди.

Инсон хотираси шундайки, доим ўтмишдаги машаққатларни унутиб, энг мароқли, ёруғ кунларни сақлаб қолиш-га интилади. Биз Ўзбекистонни доим ана шундай ёрқин рангларда хотирлай-миз. Республикаларимиз ўртасида ҳар томонлама — иқтисодий, маданий жаб-ҳаларда алоқаларни йўлга қўйиш ке-рак. Бу ҳамкорлик муносабатлари дав-латларни бойитади, халқларни яқин-лаштиради.



Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил
мультимедиа маркази раҳбари Бобур АЛИХОНОВ суҳбатлашди.

Беларусь Республикасининг Минск шаҳридан
«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари учун махсус.

САВДО-ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо вазири Жамшид Ҳужаев билан музокара чоғида Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши учун музокаралар жараёнини қайта тиклаш, Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий ҳамкорлик истиқболлари, шунингдек, жорий йил 15 — 19 октябрь кунлари юр-

тимизда “АҚШ бизнес ҳафталиги”ни ўтказишга тайёргарлик масалалари муҳокама қилинди. Таъкидлаш жоизки, мазкур ҳафталик мамлакатимизда илк бор ташкил этилмоқда. Унинг доирасида АҚШ ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида Савдо ва инвестициялар бўйича ҳадли битим кенгаши (ТІІФА) мажлиси, Марказий Осиё савдо форуми ва Ўзбекистон — АҚШ

бизнес форуми ўтказилиши кўзда тутилган. Марказий Осиё савдо форуми Ташқи савдо вазирлиги ва USAID ҳамкорлигида ташкил этилмоқда. Ушбу форум минтақавий савдони ривожлантириш ва Марказий Осиёда ҳамкорлиқни ривожлантиришга қаратилган йиллик энг йирик тадбирлардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Аxbорот технологиялари ва комму-

никацияларини ривожлантириш вазирлигида бўлиб ўтган мулоқотда делегация аъзоларига мамлакатимизда “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш, давлат органларининг очиклигини таъминлаш, бизнесни, электрон тижоратни ривожлантириш ва бошқа соҳаларда аxbорот технологияларини жорий этиш бўйича олиб борилаётган ишлар хусусида сўзлаб берилди.

Меҳмонлар мамлакатимизда телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар, АТ-таълим билан таништирилди. АКТ соҳасида Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлигининг ҳолати ва ривожланиш истиқболлари қўриб чиқилди. “Microsoft”, “Cisco”, “IBM”, “Oracle” каби Америка компаниялари билан ҳамкорлик ҳақида сўз борди.

АҚШ делегацияси ташриф доирасида мамлакатимизнинг бошқа вазирликларида ҳам музокаралар ўтказди.

М. ЭЛМУРОДОВ,
ЎзА мухбири.

Тақдимот

Йўлсозларга қулай имкониятлар

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти томонидан йўлсозларга қулайликлар яратиш, уларнинг фаолиятида иш унумдорлигини ошириш мақсадида тармоқдаги йўл хўжалиги корхоналарига 20 та замонавий махсус хизмат транспорт воситаси топширилди. Шу муносабат билан Тошкент Жанубий вокзалида тақдимот маросими ўтказилди.



Ташишларни ўз вақтида, тез ва сифатли амалга ошириш ҳамда ҳаракат хавфсизлиги бевосита “пўлат из”ларининг созликка боғлиқ. Бу жараён эса йўлсозларнинг машаққатли меҳнати эвазига таъминланади. Шу боис уларга бу каби махсус техникаларнинг берилиши айнаи муддаодир.

— “Isuzu” русумидаги ушбу транспорт воситалари “Самарқанд автомобил заводи” масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилган бўлиб, бир қатор қулайликларга эга, — дейди жамиятнинг йўл хўжалиги бошқармаси бўлим бошлиғи Муслим Ортиқов. — Хусусан, автомобиль 16 йўловчига мўлжалланган. Юмшоқ

ўриндиқли. Юк кўтариш қуввати 3 тонна 450 килограмм ташкил этади. Колаверса, транспорт иш қуролларини олиб юриш учун махсус жойлар билан таъминланган.

Қайд этиш жоизки, мазкур замонавий транспортлар корхоналарга эскирган техникаларни янгилаш дастури бўйича харид қилинди.

Тақдимот маросимида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти келгусида бюртма асосида тармоқнинг бошқа йўналишлари учун ҳам шу каби замонавий транспорт воситаларини сотиб олишни режалаштиргани айтиб ўтилди.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТАБИАТ ҚҲЙНИДАГИ ФАЙЗЛИ КОНЦЕРТ



Юртимизда мусиканинг турли жанр ва йўналишлари бўйича рангбаранг, бири бошқасини такрорламайдиган, турфа ижодий лойиҳалар, фестивал ва танловлар, концертларнинг муҳлислар эътиборига ҳавола этилаётгани бу йўлдаги амалий ғамхўрликнинг ёрқин тасдиғидир. “OPEN AIR. Серенадалар, классик ва рок мусиқа” деб номланган ушбу дастур нанкии Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрининг навбатдаги 89-ижодий мавсуми, балки пойтахтимиздаги барча театр жамоаларининг янги мавсуми очилишига бағишланади. Концерт «SOTHIS AEGIS» ва «Uz Congress» компаниялари томонидан Маданият вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамияти, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси кўмағида ташкил этилди.

Шуни таъкидлаш керакки, мазкур театрининг ҳар бир ижодий мавсуми ўзига хослиги, турли премьералар, концертлар, машҳур опера ва балет санъати юлдузлари, режиссёр ҳамда продюсерлар, дирижёрлар, созандалар иштирокидаги маҳорат сабоқларига, танлов ва фестивалларга, мусиқий мулоқотларга, катталар, ҳам болалар учун саҳналаштирилган спектаклларга бойлиги билан аҳамиятлидир.

— Ушбу концертга узоқ вақт ва жуда пухта ҳозирлик қўрилди, — дейди театр директорининг ўринбосари Ойбек Баҳодиров. — Мусиканинг турли жанрларидан намуналар танланиши ҳам бежиз эмас. Негаки, ушбу дастур орқали томошабин санъатнинг бор мафтункорлиги, жо-



Хосен ПАЙДОЕВ олган сурат.

зибаси, завқини астойдил ҳис этишга имкон яратишдек эзгу мақсад кўзланди.

— Ўзбекистонга энди келсам-да, лекин бу юртининг санъати, тарихи, халқи, маданияти, анъаналаридан ҳайрдорман, — дейди Австриянинг «Ахесс» компаниясининг бизнесни ривожлантириш бўйича директори Роберт Грубер. — Асли Моцарт ватани — Австриянинг Зальцбург шаҳриданман. Ижрончиларининг юксак маҳорати таҳсинга лойиқ. Бу концертда мумтоз ва замонавий мусиканинг уйғунлиги жуда бетакрор ҳамоҳангликни юзага келтирган.

...Гулларга бурканган сўлим хиёбон. Камалак рангидаги турфа чироклар кечага янада афсонавий руҳ бағишлайди. Мусиқа янграйди. Ушбу театр ҳамда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист

Н. УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Иновация

Хавфсиз йўлакча

Кармана шаҳрида янги инновацион лойиҳа асосида “Хавфсиз пиёдалар йўлакчаси” қуриб битказилди ҳамда ҳаракат хавфсизлигини назорат қилувчи қўп функцияли “Autocom MTR/uz” аппарат-дастурий комплекси ўрнатилиб, фойдаланишга топширилди. Йўлакча мураккаб электрон воситалар билан жиҳозланган.

— Келгусида ушбу ҳудудда йўл ҳаракати қоидабузарликларини қайд этадиган ва пиёдалар йўлакчасидан ўтаётган фуқаро-

ларни назорат қилувчи видеокамералар ўрнатилади, — дейди вилоят ИИБ ЙХХБ матбуот хизмати раҳбари Элмурод Ашуров. — Шу орқали пиёдалар хавфсизлигини таъминлаш билан бирга, йўл ҳаракати қоидабузарликларининг олди олинади.

Темур ЭШБОВЕ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди

“Жамиятда миллатлараро бағрикенглик, тинчлик, ўзаро меҳр-оқибат ва дўстлик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган лойиҳаларни рағбатлантириш” мавзуида

ДАВЛАТ ГРАНТЛАРИ АЖРАТИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги ижтимоий максадларни амалга оширишни назарда тутган лойиҳалари қабул қилинади:

- Ўзбекистон халқларининг номоддий маданий меросини (халқ бадиий хунармандлиги ва амалий санъати, фольклор ёдгорликлари, миллий байрамлар, фестиваллар, миллий таомлар ва бошқалар) хорижий аудитория ўртасида оммалаштириш.
- Жамиятда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик муҳитини шакллантиришда, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришда фуқаролик жамияти институтларининг аҳамияти ва нуфузини ошириш.
- ЮНЕСКОнинг умумжаҳон маданий мероси объектилари рўйхатига киритилган, мамлакатнинг меъморчилик ва тарихий ёдгорликлари, миллий маданият, санъат ва адабиётнинг ёрқин тимсоли бўлган намуналар тўғрисидаги маълумотларни чет тилидаги махсус манбалар орқали интернет тармоғида тарғиб қилиш.
- Ўзбекистон халқларининг тарихи ва маданиятини оммалаштириш, унинг тарихий-маданий меросига, такрорланмас ғўзаллиги ва хилма-хиллигини тарғиб этишга қаратилган тадбирларни ташкил қилиш.
- Ўзбекистонда яшаб келаётган турли миллат ва элатларнинг азалий миллий анъаналари, урф-одатлари, удумларини сақлаш борасида амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш.
- Интернет тармоғида миллий анъаналар, урф-одатлар ва удумлари асрашга бағишланган ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги махсус манбаларни яратиш.

- Миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатлик, бирдамликни янада мустаҳкамлаш, конфессиялараро тотувлиқни таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини оширишга кўмаклашиш.
- Маданий меросни сақлаш, аҳоли ўртасида маданий меросга бўлган муносабатни янада юксалтириш, уларни келажак авлодга бекаму қўст етказиш ва маданий меросга бўлган муносабатни шакллантириш борасида тарғибот ишларини олиб бориш.
- Турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги тотувлиқни таъминлаш тажрибасини оммалаштириш, тарғиб қилишга бағишланган китоблар, тўпламлар, телекурслар ва радиоэшитиришлар тайёрлаш.
- Юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар, ижтимоий тоифа вакиллари ўртасида “Мен нечун севаман, Ўзбекистонни!” шиори остида танловлар ташкил этиш.
- Миллий маданий марказлар томонидан мамлакатимизнинг эркин демократик тараққиётини акс эттирувчи турли хилдаги тўпламлар, ижодий ишларни чоп этиш ва халқ оmmasига етказишда ҳар томонлама кўмаклашиш.
- Турли миллат ва элат вакиллариининг ўзига хос миллий анъаналари, урф-одатлари ва маросимларини сақлаш бўйича мамлакатимизда изчил амалга

оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида халқаро жамоатчиликни хабардор қилиш.

13. Тарихий ёдгорликлар ҳақида кенг тарғибот ишларини амалга ошириш, маданий меросларни асраш бўйича давлат органлари билан ННТлар ўртасида ижтимоий шериклик муносабатларини кучайтириш.

Давлат гранти танловида иштирок этиш учун қуйидаги хужжатлар тақдим қилинади:

- Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қузатув хати;
- www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;
- Давлат рўйхатидан ўтказилган Устав (Низом) ҳамда гувоҳноманинг муҳр билан тасдиқланган нусхаси;
- Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади;
- Манфаатдор давлат ва йирик жамоат ташкилотлари билан тузилган ижтимоий шериклик қўшма режалари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун давлат гранти миқдори — **30 миллион сўм.**

Хужжатлар **2018 йил 17 сентябрдан 22 октябргача** қабул қилинади.

Хужжатлар “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди” номига: **100163, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 43-уй** манзилига “Ўзбекистон почтаси” орқали муҳрланган конвертда (А4 форматда) юборилиши шарт. Хужжатлар намуналари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин. Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-86.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 70 йиллиги муносабати билан

“Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари — олий қадрият” мавзуида ДАВЛАТ ГРАНТИ ҚЎШИМЧА ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги ижтимоий максадларни амалга оширишни назарда тутган лойиҳалари қабул қилинади:

- Жамиятда юксак ҳуқуқий онг ва эҳтирошларни, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларни маданиятини юксалтириш.
- Давлат ва жамиятнинг очик мулоқоти шакл ва механизмларини янада кенгайтиришда ҳамда самарадорлигини оширишда давлат органлари билан ижтимоий шерикликни кучайтириш.
- Жамоатчилик назорати институтини кенг қарор топтириш, унинг шакл ва механизмлари таъсирчанлигини ошириш.
- Ҳаракатлар стратегияси доирасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий хужжатлар мазмун-моҳиятини маҳаллий ва хорижий аудиторияга етказишнинг инновацион усулларини ҳаётга татбиқ этиш.
- Жамиятда оила институтининг ўрнини янада мустаҳкамлашга, унинг нуфузини оширишга, ақриллашлар ва ижтимоий етимликнинг олдини олишга кўмаклашиш.
- Шахсининг меҳнат қилиши, эркин касб танлаши ва қонуналарда белгиланган тартибда ишсизликдан ҳимояланишига амалий кўмак кўрсатиш.
- Жамиятда илмий-техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлашга кўмаклашиш.
- Ешларни, айниқса, ота-она васийлигидан маҳрум бўлган ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, соҳада ижтимоий шерикликни ва жамоатчилик назоратини шакллантириш.
- Оғир ижтимоий муаммолар

гирдобиде қолган эҳтиёжманд аҳоли қатламларининг жамиятга интеграциялашувида, реабилитациясида ва мослашувида ижтимоий шерикликни кучайтириш.

- Маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда, профилактика қилишда, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик муҳитини яратишда давлат органлари билан ижтимоий шериклик механизмларини кенг жорий этиш.
- Уюшмаган, тарбияси муаммоли ёшлар билан ишлашда давлат ихро органларига амалий ёрдам бериш, улар билан ижтимоий шерикликни янада кучайтириш.
- Истеъмолчилар ҳуқуқларини таъминлаш тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва спорт соҳаларида жамоатчилик назоратининг янги шакл ва механизмларини жорий этиш.
- Жамиятда миллатлараро тинчлик-тотувлик, бағрикенглик тамойилларини, миллий ва умуминсоний қадриятларни янада мустаҳкамлашга кўмаклашиш.
- “Обод маҳалла”, “Обод қишлоқ”, “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастурларини амалга оширишда маҳаллий давлат органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига кенг қўламда амалий кўмак кўрсатиш.
- Ешларнинг бўш вақтини

Хужжатлар “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди” номига: **100163, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 43-уй** манзилига “Ўзбекистон почтаси” орқали муҳрланган конвертда (А4 форматда) юборилиши шарт. Хужжатлар намуналари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин. Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-86.

АСОСИЙ МАҚСАД – ЎЗБЕКИСТОН ТРАНСПОРТ-ТРАНЗИТ САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ

Кейинги йилларда мамлакатимизда транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан ривожлантириш, транзит юк ташиш ҳажмини оширишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, транспорт инфра-тузилмаси иқтисодиётнинг асосий бўғинларидан бири ҳисобланади. Мазкур тармоқни янада ривожлантириш мақсадида “2015 — 2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури” қабул қилинди. Унда миллий транспорт тармоғини ривожлантириш соҳасида халқаро талаблар ва стандартларга жавоб берувчи яхлит комплекс стратегияни ишлаб чиқиш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини ҳудудий ва жаҳон бозорига олиб чиқиши ҳисобга олган ҳолда, ушбу стратегияни халқаро транспорт тизимига кенг интеграция қилишни таъминлаш кўзда тутилган.

Дастурда транспорт инфратузилмаси ва транзит йўлакларини ривожлантириш, янги автомобиль ҳамда темир йўллари, авиақатновларни очиш орқали барча транспорт турларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Маълумки, Марказий Осиё минтақасининг транспорт-транзит салоҳияти унинг тарихан Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануби боғловчи кўприк вазифасини ўтаган Буюк Ипак йўлининг марказидаги геостратегик жойлашуви билан белгиланади. Йирик халқаро бозорларни ўзаро бирлаштирувчи энг қисқа йўналишлар айнан мана шу минтақа орқали ўтган.

Марказий Осиёда қўшимча юк ташиш оқимларини жалб этиш имконини берувчи янги транспорт ва транзит йўлакларини шакллантириш, транспорт ҳамда логистика соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича хорижий тажрибани ўрганиб, халқаро логистика марказлари тармоғини яратиш, минтақа транспорт-логистика салоҳиятини ривожлантириш учун хорижий мамлакатлар портларидан самарали фойдаланиш услубларини шакллантириш, Марказий Осиёда Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё, Европа, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларини бирлаштирувчи муҳим транзит йўл бўлиб хизмат қиладиган ягона интеграциялашган ҳабни яратиш масалалари мин-

тақамиз учун долзарб аҳамият касб этади.

Бу Ўзбекистонга Осиё-Тинч океани минтақаси ва Хитойдан Ҳинд океани портлари (Покистон, Ҳиндистон)га, Европа иттифоқи, Россия, Кавказдан Ҳинд океани портлари (Покистон, Ҳиндистон)га чиқиш йўналишлари бўйича халқаро транзит юк ташишда иштирок этиш, Ўзбекистон — Туркменистон — Эрон — Ўмон янги транспорт йўлагини яратиш, шунингдек, Марказий Осиё мамлакатларининг янги истиқболли лойиҳаларини амалга ошириш, Марказий Осиё мамлакатлари ҳудудлари бўйлаб транзит юк ташишга бўлган ягона тарифларни қўллаш масаласини қўриб чиқиш бўйича саъй-ҳаракатларини бирлаштириш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўли қурилиши масаласи ҳам қўриб чиқилмоқда. Мазкур лойиҳа ШХТ макони учун долзарб аҳамиятга эга. Унинг амалга оширилиши лойиҳа иштирокчилари ҳамда Марказий Осиёнинг бошқа барча давлатлари ва Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтириш имконини беради. Ушбу темир йўли Хитойдан Қирғизистон ва Ўзбекистон орқали Шарқий Европа ҳамда Яқин Шарқ мамлакатларига юк ташиш имкониятини яратиш орқали Хитой юкларини Европа мамлакатларига етказадиган энг қисқа йўллардан бирига айланади ва бутун Марказий Осиё транспорт-логистика инфратузилмасини ривожлантиришга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, транспорт-транзит салоҳиятини янада ривожлантириш мақсадида юқорида қайд этилган зарур шароитларни яратиш транспорт тизимининг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш, Ўзбекистон ҳудудидан ўтиш учун мавжуд тўсиқларни бартараф этиш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, Марказий Осиёда халқаро транспорт йўлакларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт вазирлиги
Аxbорот хизмати.



Унинг муҳофазаси борасида Ўзбекистонда изчил чора-тадбирлар кўрилмоқда.

16 сентябрь — Халқаро озон қатламини ҳимоя қилиш куни. Сана муносабати билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлари гуруҳи, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда бу борада қўлга киритилган ютуқлар эмас, балки йўл қўйилаётган камчиликлар ва уларнинг олдини олиш масалалари муҳокама қилинди.

Семинар

Озон ҳимояси масаласи жуда долзарб. Сайёрамизнинг атмосфера ҳимоячиси қатлами хлорфторуглерод бирикмаларининг ҳаддан ташқари кўп ишлатилиши натижасида ўтган асрнинг 80-йилларида келиб емирилиб, “озон дарчалари” ҳосил бўлди. Унинг ҳимоя функцияларига путур етди. Натижада ҳаҳон ҳамжамияти амалий чора-тадбирлар кўриб, бир қатор халқаро ҳужжатлар қабул қилди. Ўзбекистон ҳам уларнинг бевосита иштирокчиси ҳисобланади.

Айниқса, 1985 йилда Озон қатламини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Вена конвенцияси қабул қилинганга халқаро саъй-ҳаракатларни бирлаштиришнинг аниқ механизмини яратишда муҳим қадам бўлди. Мазкур конвенция доирасида илмий тадқиқотларни ўтказишда халқаро ҳамкорлик, озон қатламини тизимли мониторинг қилиш, озонни емирувчи моддалар — хлорфторуглеродли бирикмаларнинг ишлаб чиқарилиши мониторинги ва ахборот алмашинувини ташкил этиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон озон қатламини ҳимоя қилишга муносиб ҳисса

қўшиб келмоқда. Бу давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишлари қаторидан мустаҳкам бўли олдди. **Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимизда озон қатламини емирувчи моддаларнинг 99,5 фоизи муомаладан чиқарилган ва бу омил Монреаль протоколи билан режалоштирилган мuddатлардан илгарилашга имкон яратди.**

Тадбир давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлар гуруҳи ҳамда Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзолари томонидан озон қатламини сақлаш ва муҳофаза қилишга дахлдор “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун нормаларини такомиллаштириш юзасидан тизимли ишлар олиб борилаётгани ҳам қайд этиб ўтилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 январдаги “Озонни бузувчи моддалар ва таркибида улар

бўлган маҳсулотларнинг Ўзбекистон Республикасига импортини тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан келгусида озон қатламини ҳимоя қилиш бўйича аниқ ҳаракат ва чоралар белгиланган. Жумладан, ўтувчи ёки гексахлорфторуглероддорлардан ташқари, озонни емирувчи моддаларнинг баъзи турларини, шунингдек, ўта зарарли озонни емирувчи моддалардан фойдаланилган музлаткич ва ҳаво совитиш ускуналарини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш тақиқланган. Озонни емирувчи моддаларни 2018 — 2030 йилларда мамлакатимизга олиб кириш меъёрлари жорий этилган.

Вена конвенцияси талаблари ижроси ҳамда Миллий дастур доирасида озон қатламини емирувчи моддаларни муомаладан босқичма-босқич чиқаришни таъминлаш мақсадида саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни озонга хавфсиз маҳсулотларга ўтказишни қўллаб-қувватлаш, озон қатламини емирувчи моддалар ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни утилизация қилиш тизимини ишлаб чиқиш, ушбу моддалар ноқонуний айланишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Семинарда озон қатламини емирувчи моддалар бўйича Монреаль протоколи талабларини бажариши механизми ва атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбир якунида билдирилган фикр ва таклифлар асосида тегишли тавсия қабул қилинди.

Мунисхон КАРИМОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

ТИББИЁТ хабарлари

Қозоғистонлик шифокорлар — Хоразмда

Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг Хоразм вилояти филиалида Остона миллий илмий тиббиёт маркази шифокорлари билан ҳамкорликда мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилди.

Орак ритми бузилишини бартараф этиш, реконструктив пластик амалиётлари клапан қўйиш билан бир вақтнинг ўзида бажарилди. Энделикда беморларнинг бундай муолажалар учун хорижга ва Тошкентдаги ихтисослаштирилган кардиология марказига боришларига ҳолат қолмади.

— Ўзбекистонда солиқни сақлаш тизимида самарали ислохотлар олиб борилмоқда,

— дейди Остона миллий илмий тиббиёт маркази кардиохирургия бўлими мудир, тиббиёт фанлари номзоди Адилбек Албазаров. — Бу борадаги ҳамкорлигимиздан мамнунмиз. Амалий мулоқот ҳар икки томон учун фойдали бўлди.

Одилбек ОДАМБОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Замонавий поликлиника иш бошлади

Бухоро туманидаги Хонобод қишлоғида замонавий оилавий поликлиника биноси янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Худудимизда ўн минг нафардан зиёд аҳоли яшайди, — дейди шу худудда истикомат қилувчи Сайёра Зокирова. — Бу қулайликдан бениҳоя хурсандимиз.

Мазкур масканда тор доирадаги 5 нафар мутахассис хизмати ҳамда “Тез тиббий ёрдам” шохбаси фаолияти йўлга қўйилди. Қурилиш-таъмирлаш ишлари учун 1,5 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хизмат сифати янада яхшиланади

Қўшработ тумани Заркент қишлоғидаги оилавий поликлиника энди замонавий кўйга касб этди.

— Мазкур тиббиёт муассасасини реконструкция қилиш учун 2 миллиард 200 миллион сўм маблағ сарфланди, — дейди Самарқанд вилояти солиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Азиз Жўраев. — Натижада қишлоқнинг 20 мингга яқин аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилаш имкони яратилди.

Барча қабул ва даво хоналари намунавий тарзда жиҳозланиб, лаборатория, ультратовуш текшируви каби бир қатор зарур тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Андижон томонларда

Пахтаобод туманида “Олтинкўл бунёдкори” МЧЖ томонидан 3,1 миллиард сўм давлат маблағи эвазига ёпиқ сузиш ҳавзаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Қишлоқда сузиш ҳавзаси

— Болалигимдан сузишга қизиқсам-да, туманимизда бунга имкон йўқлигидан афсусландим, — дейди “Маданият” маҳалла фуқаролар йиғинида истикомат қилувчи Шерзодбек Абдурахмонов. — Энди бу ерда тажрибали мураббий кўмағида яхши кўрган спорт тури билан шуғуллана бошладим.

Сузиш ҳавзаси йилнинг тўрт фаслида ҳам фаолият юритади.

Хунармандлар сафи кенгаймоқда

“Хунарманд” уюшмасининг Избоскан туманидаги 150 нафар аъзосига янги имкониятлар яратилди.

— Бешик ясашни билсам-да, фаолият юритишга имконим йўқ эди, — дейди хунарманд Раҳимжон Орипов. — Банкнинг уч миллион сўм миқдоридagi кредити эвазига хунармандчиликни қонуний йўлга қўйдим. Энди ойига 600 — 700 минг сўм даромад олишга эришяпман.

Раҳимжон каби 15 нафар хунармандга банк томонидан 370 миллион сўм миқдоридagi кредит маблағлари ажратилди.

Самимжон ХУСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ДАСТУРЛАРДА ТАЛАБАЛАР ҲАМ ҚАТНАШАДИ

Аввал хабар берганимиздек, шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, ЎзРФА Ядро физикаси институти, Самарқанд давлат университети, Ядро тадқиқотлари бирлашган институти (Россия) ҳамда Европа

Халқаро анжуман

ядро тадқиқотлари маркази (Швейцария) ҳамкорлигида “Катта адрон коллайдеридида ўтказилаётган физик тадқиқотлар” мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтмоқда. 9 мамлакатдан 60 дан ортиқ олимлар қатнашаётган ушбу тадбир 14 сентябрь куни Самарқанд давлат университетидида давом этди.

Унга АҚШ, Франция, Италия, Германия, Швейцария, Ҳиндистон, Россия, Украина ва беларуслик олимлар, юртимиз илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юр்தларининг ядро ва элементар

заррачалар физикаси соҳасидаги мутахассислар таклиф қилинди.

Анжуманда сўз олганлар Катта адрон коллайдериди лойиҳалари асосида муҳим илмий натижаларга эриши-

лаётгани, турли мамлакатлардаги мутахассислар ўртасида ҳамкорлик мустаҳкамланаётганини таъкидлашди.

— Мазкур анжуман элементар заррачалар физикаси ҳамда ядро технологиялари соҳасидаги замонавий тенденциялар ва ютуқлар билан танишиш мақсадида ташкил этилди, — дейди Беларусь давлат университети ядровий масалалар институти профессори В. Еваровская. — Унда иштирокчилар соҳада олиб борилган сўнгги тадқиқотларни муҳокама қилиш баробарида, турли мамлакатларнинг етакчи олим ва мутахассислари ҳамкорлигини янада

кенгайтириш, ўзбек олимларини йирик халқаро лойиҳаларга кенг жалб қилиш масалалари хусусида ҳам фикрлашишмоқда.

Тадбирда катта адрон коллайдеридида амалга оширилаётган тадқиқотларда юртимиз олимлари ҳам фаол иштирок этиб, замонавий ядро ва элементар заррачалар физикаси тараққиётига улкан ҳисса қўшиб келаётгани эътироф этилди. Самарқанд давлат университети талабаларига ядро физикаси соҳасидаги халқаро дастурларда қатнашиш имкониятлари тақдим қилинди.

Ринат АБДУЛМАНОВ.

Туяқушнинг уч килограммлик тухуми



Тўрақўргон туманидаги Шоҳидон адирликларида парваришланаётган Африка туяқушлари тухум бера бошлади.

Изланиш

— Бу тухумлар уч килограммгача тош босади, — дейди “Комилжон туяқушлари” фермер хўжалиғи раҳбари Комилжон Носиров. — Туяқушлар 160 килограммгача тош босади. Даромад ҳам шунга яраша.

Мазкур хўжаликка туман ҳокимлиғи томонидан 5 гектар ер ажрати берилган. Айни пайтда бу ерда хориждан келтирилган 10 бош туяқуш боқилапти.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази куйидаги умумтаълим фанлари бўйича малакали мутахассисларни ишга қабул қилиш учун танлов эълон қилади

- она тили ва адабиёти;
- инглиз тили;
- немис тили;
- француз тили;
- рус тили ва адабиёти;
- тарих;
- математика;
- информатика;
- физика;
- биология;
- кимё.

Танловда иштирок этиш учун номзодлар Давлат тест маркази директори номига ариза, ўзлари ҳақида маълумотнома (объективка), кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат ва паспорт нусхаларини топширишлари лозим.

Аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 12-уй. Мурожаат учун телефон: (0-371) 235-61-27. Факс (0-371) 234-71-84. Электрон манзил: ok@dtm.uz

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 945. 76 732 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР: Девоихона (0-371) 233-52-55; Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Тахририятга келган кўлаёмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўказиб берилиши учун обуруни расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукров. Навбатчи — Д. Улуғмуродов. Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.07 Топширилди — 00.35 1 2 3 4 5 6